

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг  
2013 йилда ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини  
бажарилиши бўйича  
МАЪЛУМОТ**

**I. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда «Шарқ» НМАҚда 2013 йилда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ривожланишида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида «Шарқ» компанияси томонидан 27 500,0 млн. сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки 2012 йилга нисбатан 119,5 фоизга ўсди.

Товар маҳсулотларининг сотилиши 29 163,2 млн. сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 120,3 фоизни ташкил қилди.

Импорт ҳажми 5 125,9 минг АҚШ долларини ташкил этди ва 2012 йилга нисбатан 685,15 минг АҚШ долларига кўпдир.

Тайёр маҳсулот ва хизматлар экспорти 77,0 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Дебитор қарздорлик 2013 йил бошида 6 749,9 млн. сўм, 2013 йил 9 ойлигида 7 238,1 млн. сўм, 2013 йил якуни бўйича 5 640,0 млн. сўмни ташкил этди ёки йил бошига нисбатан 83,5 фоиз. Муддати ўтгани йўқ.

Кредитор қарздорлик 2013 йил бошида 3 022,4 млн. сўм, 2013 йил 9 ойлигида 5 181,6 млн. сўм, 2013 йил якуни бўйича 5 935,8 млн. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 196,3 фоиздир. Муддати ўтгани йўқ.

Жами ишчилар сони 730 та. Ўртача ойлик иш ҳақи 694 723 сўмни ташкил қилди. Ойлик маош, нафақа тўловлардан қарзлар йўқ.

Соф даромад 252,2 млн. сўм.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ва маҳсулот реализациясининг ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг қисқартирилиши ҳисобига 2013 йилнинг сентябрь ойида ишчиларнинг ойлик маош миқдори 20-25 фоизгача оширилди.

Қолдиқ маҳсулотлар ҳажми 1 421,9 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич нормадан ортиқ эмас.

Компаниянинг маркетинг ишларини янада жадаллаштириш ва китоб савдосини ривожлантириш мақсадида вилоят ва туманларда янги китоб савдо марказларининг очилиши, ҳамда Халқ таълими бўлимларига китоб маҳсулотларини етказиш орқали қолдиқларнинг камайтирилишига эришилди.

**2013 йилда ишлаб чиқаришнинг  
натурал кўрсаткичлари:**

- газеталар 75,0 млн. нусха  
2012 йилга нисбатан 108,7%.
- журналлар 1,18 млн. нусха  
2012 йилга нисбатан 107,3%.
- китоб маҳсулотлари 6,8 млн. нусха  
2012 йилга нисбатан 101,5%.
- ўқув дафтарлар 13,0 млн. нусха  
2012 йилга нисбатан 162,5%.
- умумий дафтарлар 200 минг нусха
- кундалик 400 минг нусха  
2012 йилга нисбатан 400,0%.
- 4147,4 млн. сўмлик бошқа маҳсулотлар чоп этилди.  
2012 йилга нисбатан 100,6% ташкил этди.

**II. Жаҳон иқтисодий инқирози олдини олиш борасида республика  
Президенти томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши.**

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётни реал секторидаги корхоналарнинг бир маромда ишлашини таъминлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастури ҳақида»*ги ПФ-4058-сонли Фармонининг бажарилиши бўйича «Шарқ» компаниясида 2013 йилга аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишида компания асосий эътиборини товар маҳсулотларининг таннархини тушириша қаратди.

2013 йилда товар маҳсулотларнинг таннархи 1 980,0 млн.сўмга, яъни 11,0 фоизга камайтирилиши режалаштирилган бўлиб, 2013 йил якуни бўйича 1 983,6 млн.сўмни ташкил этди ва 11,02 фоизга тенг бўлди.

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон Қарорини бажарилиши бўйича қўйидаги ишлар қилинди:*

Компанияда маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган импорт ўрнини босувчи хом-ашё ва материаллар харид қилиш бўйича республикамиздаги ишлаб

чиқарувчилар билан 2013 йилга 4 602,76 млн. сўмлик шартномалар тузилган бўлиб, амалда 4 603,0 млн. сўмлик хом-ашё харид қилинди ва режа 100,0 фоизга бажарилди.

**3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги «Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 26-сон қарорининг бажарилиши бўйича:**

Ёш авлоднинг маънавий қиёфасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатадиган ахборот ва тасвирга эга норасмий босма маҳсулотларнинг чоп этилишига барҳам бериш, уларнинг ички бозордаги савдосини бутун чоралар билан тугатиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 234-сонли қарори ижросига асосан 2013 йилда мактаб ўқувчилари учун ўзига хос миллий кўриниш ҳамда юксак тарбиявий аҳамиятга эга ўқув дафтарлари 13,0 млн. нусхада, умумий дафтарлар 200 минг нусха ва кундаликлар 400 минг нухадан зиёд чоп этилди.

2013 йил 4 ноябрда газета комплексини модернизация қилиш мақсадида умумий қиймати 508,0 минг АҚШ долларлик газета босиш ускунаси сотиб олиш учун шартнома имзоланди.

**4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 октябрдаги “2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси тўғрисида”ги 6-сон мажлис Баёни ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йилда компанияда жами 56 та янги иш ўринлари яратилди, шундан:**

- тармоқни ривожлантириш бўйича – 14 та;
- касаначилик иш ўринлари – 42 та.

**5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 апрелдаги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш** мақсадида компанияга бириктирилган Миробод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ва Сергели политехника касб-хунар коллежлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилган. Ҳисобот даврида бириктирилган коллежларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадида 3,0 млн. сўмдан зиёд китоб, амалиётда қўллаш учун компьютер техникаси, ҳамда 2 та теннис столлари ажратилди ва етказиб берилди.

Битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида бириктирилган коллежлардан 6 нафар битирувчи ишга қабул қилинди. Компанияда битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Тошкент матбаа коллежидан 5 нафар битирувчи ишга жойлаштирилди.

Сергели Политехника касб-хунар коллежини 2013 йилда 565 нафар битирувчилар ўқишни тамомлаган. Шундан, 333 нафари (58,9%) иш билан таъминланган.

Миробод компьютер технологиялари касб-хунар коллежини 2013 йилда 181 нафар битирувчилар ўқишни тамомлаган. Шундан, 109 нафари (60,2%) иш билан таъминланган.

Бундан ташқари компаниямиз Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) Тошкент касб-хунарга ўқитиш маркази билан мутахассис тайёрлаш бўйича 4 томонлама шартнома имзолаган.

### **III. Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари бўйича ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши.**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2012 йилдаги ПҚ-1836-сон “Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ** ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ривожлантириш бўйича “Шарқ” компаниясида АКТ маркази ташкил этилиб, уни малакали мутахассислар билан тўлдирилиши таъминланган. Алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялар Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган махсус АКТ бўлимларининг намунавий низомига асосан компания АКТ марказининг низоми ишлаб чиқарилган, ташкилий тузилмаси тасдиқланган.

Компаниянинг 2014 йилга белгиланган Бизнес-режасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ҳаражатлар сметаси белгиланган ва 2014 йил мобайнида жами бўлиб ушбу соҳани ривожлантиришга 400,0 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган.

**2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарорнинг** ижросини таъминлаш мақсадида компания томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган.

2014 йилда компания томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматларнинг сонини ошириш мақсадида компаниянинг расмий вебсайтини модернизациялаш ишлари якунланмоқда. Тубдан ўзгартирилган, янги дизайн ва функцияларга эга

сайтнинг тест режимида ишга туширилиши йил охиригача режалаштирилган. Натижада расмий веб-сайт орқали компания томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар тўғрисида интерактив маълумот олиш ва online-китоб дўкони хизматлари ишга туширилади.

**3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ** 2012-2014 йиллар давомида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларининг Миллий ахборот тизимига уланадиган ахборот тизимлари рўйхатининг 21-бандидаги “Корхона” комплекс ахборотлар тизимини 2014 йилда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида жорий этилиши режалаштирилган.

Ушбу Қарорни бажарилишини таъминлаш мақсадида компанияда чора-тадбир қабул қилинган бўлиб, ҳозирда республикадаги ахборот тизимлари ишлаб чиқарувчи компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда, ҳамда уларнинг таклифлари ўрганилмоқда.

**4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2013 йил 18 июлдаги Ахборот хавфсизлиги талабларининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги топширигини (№08/1-438 19.07.2013й.) бажарилиши мақсадида** компанияда 2013 йил 22 июлда 26вм-сонли буйруқ қабул қилинган.

Ходимлар томонидан Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш ва хизматга доир ва бошқа турдаги муҳим ахборотларини замонавий ахборот-коммуникация технолоиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда рухсатсиз кўчириб олиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида Интернет тармоғидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш, шахсий ёзишмалар учун эса миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан (umail.uz, inbox.uz, freemail.uz, id.uz, muloqot.uz ва бошқалар) фойдаланиш зарурлиги юзасидан тушунтириш ишлари, компанияда қабул қилинган Ахборот хавфсизлиги регламенти билан таништириш ишлари ташкил қилинди.

Тармоқ администратори томонидан ҳар бир ходимнинг Интернет-трафигини мониторинг қилувчи ҳамда чеклов ўрнатувчи махсус дастурлар ўрнатилди ҳамда ушбу дастурлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда хорижий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқларга чеклов ўрнатилган (mail.ru, gmail.com, gambler.ru, yandex.ru, odnoklassniki.ru, facebook.com ва бошқалар).

Хизматга доир ҳужжатларни ва ёзишмаларни фақатгина миллий химояланган ва расмий электрон почта (eXat, eHujjat, sharq.uz) хизматларидан фойдаланган ҳолда

амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида 2 320 дона кирим ва чиқим хатлари рўйхатга олинган бўлса, шундан 1 041 дона хатлар электрон кўринишда ва 553 дона хат еХат орқали қабул қилинган ва бошқа вазирлик, идора, бошарув органларига юборилган.

Бугунги кунда компания бўйича 75 га яқин компьютерлар Интернет тармоғига уланган. Интернетни юқори тезликда ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида трафиклар 3 та параллель ADSL линиялари орқали етказилади. Компаниянинг компьютер техникаси парки янгиланди. Маълумотларни ўз вақтида етказиш мақсадида ҳар бир цех ва участка замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ва компания локал тармоғига уланган.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1920-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 февралдаги 38-сон мажлис баёнида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Компанияда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва 2013 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди:**

– Бўстонлиқ тумани, Янгиқўрғон қишлоғи ҳудудида компания томонидан қуриб битказилган 140 ўқувчи-ўрнига мўлжалланган мактаб биносини туман халқ таълими балансига беғараз ёрдам сифатида ўтказиб берилди ва 2 сентябр куни фойдаланишга топширилди. Компания томонидан мактаб биноси бўйича бажарилган ишлар умумий сметасининг нархи – 121,7 млн. сўмни ташкил этди;

– янги қурилаётган оилаларга тўй маросимини ўтказиш учун 31,5 млн. сўм фоизсиз ссуда берилди;

– ишчи-ходимларга компания боғларида етиштирилган 36,0 млн. сўмлик витаминларга бой ҳўл мевалар арзонлаштирилган нархларда сотилди, бундан ташқари қиш мавсумига озиқ-овқат захирасини яратиш дастури бўйича 32,8 млн. сўм ажратилди.

– “Навбахор” санаторий-профилакториясида 702 нафар ходимлар соғломлантирилди ва бунинг учун Компания томонидан 206,4 млн. сўм сарфланди;

– “Фазогир Гагарин” болалар оромгоҳида ёзги мавсумда 659 та болалар дам олишди ва бунинг учун Компания томонидан 150,0 млн. сўм сарфланди;

– Компанияда ҳар ҳафтада соғлом турмуш тарзи, диний-маърифий ҳамда бошқа долзарб мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилмоқда;

– шахримиздаги театрларга 1390 нафар ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ташрифи таъминланди ва бунинг учун Компания томонидан 8,2 млн. сўм сарфланди.

– Компания ишчи ва хизматчиларини кредит асосида маиший техникалар билан таъминлашга 170,0 млн. сўм сарфланди.